

**Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи
ва салламнинг саломлашиш
ва изн сўрашдаги суннатлари**



Доктор Аҳмад ибн Усмон ал-Мазяд

Мутаржим: Абу Абдуллоҳ Шоший

هدي النبي صلى الله عليه وسلم في السلام والاستئذان

(باللغة الأوزبكية)



د. أحمد بن عثمان المزيد

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة

هاتف: +966114404900 فاكس: +966114970126 ص ب: 29465 الرياض: 11457

ISLAMIC PROPAGATION OFFICE IN RABWAH

P.O.BOX 29465 RIYADH 11457 TEL: +966 11 4454900 FAX: +966 11 4970126



OFFICERABWAH

Ушбу мақола Доктор Аҳмад ибн Усмон ал-Мазяднинг “Ҳадйу Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фий ибадатиҳи ва муамалатиҳи ва ахлақиҳ” китобидан таржима қилинган бўлиб, унда китобнинг 24-боби бўлган Пайғамбаримизнинг саломлашиш ва изн сўрашга тааллуқли суннатлари ҳақида баён қилинган.

24- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саломлашиш ва изн сўрашга тааллуқли суннатлари¹

- 1- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир жамоа одамлар олдига келганда, уларнинг олдидан айрилиб кетаётганда салом берар ва саломни ёйишликка буюрар эдилар.
- 2- У зот шундай деганлар: “Кичиклар катталарга, ўтиб бораётган ўтирганга, уловдаги яёвга, озчилик кўпчиликка салом беради”².
- 3- Бирон кишига йўлиқсалар, биринчи бўлиб салом берардилар. Агар биронтаси у зотга салом берса, ўша заҳоти мислидек ёки ундан яхшироқ шаклда алик олар эдилар (яъни, “ассаламу алайкум”, деса, “ва алайкум ассалом” ёки “ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳ”, дер эдилар). Намоз ўқиётган ёки таҳорат ушатаётган бўлсалар, бу ишларини тугатгач алик олардилар.
- 4- У зот биринчи бўлиб салом берсалар: “Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ”, дер эдилар³. Биринчи салом берувчининг “Алайкас-салом”, деб салом беришини ёқтирмасдилар. Салом берганга “Ва алайкас-салом”, деб алик олардилар.
- 5- Бир салом ҳаммага етиб бормайдиган тўпланиб турган кўпчиликка салом берсалар, уч марта салом бериш у зотнинг суннатлари эди.
- 6- Масжидга кирсалар, аввало икки ракаат таҳийятул масжид намозини ўқир, сўнгра у ерда ўтирганлар ёнига келиб, салом берар эдилар.

¹ Зодул-маод (2/371).

² Муттафақун алайҳ.

³ Бухорий ривояти.

- 7- Саломга қўл билан, бош билан ёки бармоқ билан алик олмас эдилар, фақат намоздагина бунинг каби ишора билан алик олардилар.
- 8- У зот ёш болалар ёнидан ўтганда уларга салом бердилар, аёллар ёнидан ўтганда уларга салом бердилар. Саҳобалар жума намозидан қайтаркан йўлларида бир кампирни ёнидан ўтдилар ва унга салом бердилар.
- 9- У зот ёнларида бўлмаган бир кишига салом йўллар, ўзлари ҳам бошқаларнинг йўллаган салomini етказар эдилар. У зотга бир киши бошқа бири орқали салом йўллаган бўлса, салом йўллаганга ҳам, саломни етказганга ҳам алик олар эдилар (яъни, “алайка ва алайҳис-салам”, дер эдилар).
- 10- У зотдан: “Киши биродарини учратганда унга эгилиб салом берса бўладими?”, деб сўралганда, “Йўқ”, дедилар. “Уни кучоқлаб, ўпиб кўришса бўладими?”, дейилганда, “Йўқ”, дедилар. “У билан қўл бериб кўришса бўладими?”, дейилганда, “Ҳа”, деб жавоб бердилар⁴.
- 11- У зот аҳли-оиласининг ёнига уларни кузатаётгандай тўсатдан кирмасдилар. Кираркан уларга салом берар ва уларнинг хол-аҳволини сўрар эдилар.
- 12- Агар кечаси аҳли-оиласининг ёнига кириб келсалар, уйғоқ одам эшитадиган, ухлаётган одамни уйғотиб юбормайдиган тарзда салом берар эдилар⁵.
- 13- У зот бирон жойга кириш учун изн сўраганларида, хонадон соҳибининг “Сен кимсан?”, деган саволига “Фалончи ўғли фалон”, дер ёки куняларини (Абу фалон), ёда лақабларини айтардилар. “Мен”, демас эдилар.

⁴ Термизий ривояти.

⁵ Муслим ривояти.

- 14- Бирон жойга кириш учун изн сўрасалар, уч марта сўрар, иттифоқо изн берилмаса, ортларига қайтар эдилар.
- 15- Саҳобаларига изн сўрашдан олдин салом беришни таълим берардилар.
- 16- Агар бир кишининг эшигига келсалар, эшикнинг қаршисида эмас, балки эшикнинг ўнг ёки сўл томонида турар эдилар.
- 17- У зот дедилар: “Зеро, изн сўраш кўз (тушмаслиги) сабабли жорий қилингандир”⁶.

⁶ Муттафакун алайх.